

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Раиси ўринбосари С.Эшматовнинг 2022 йил 2 чораги учун
фаолият самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга
эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари

(ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва солиқ қарзини қисқартириш масалалари)

Эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилаётган кўмакни мониторинг қилиш ва доимий даромад манбаини яратиш йўналишида **2022 йил 2 чорагида** 1100 та доимий даромад манбаи яратилди. Бу белгиланган режага нисбатан 117,4%ни ташкил этади.

Бундан ташқари, **2022 йил 2 чорагида** солиқ қарзини ўтган ойга нисбатан 10 фоиз қисқартириш чораларини кўриш йўналишида белгиланган режа 131,2% га бажарилди. (1700,0 млрд сўм).

2022 йил 2 чорагида “Темир дафтар”га киритилган оилаларни рўйхатдан чиқариш чораларини кўриш бўйича ишларни бажариш даражаси 130,8 %ни ташкил этди. Яъни 1200 га яқин оила “Темир дафтар”дан чиқарилди.

Яширин иш ўринларини легаллаштириш ҳисобига даромад солиғи тўловчилари сонини ошириш бўйича режа 112%га бажарилиб 125 минг нафар солиқ тўловчи фаолияти расмий секторга ўтказилди.

«Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши эса 100%га бажарилди.